Ушбу сонда:
2 ИЖАРА - ТАЪМИНОТНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ЙЎЛИ
3 TV – ДАСТУРИ
4 *Касаба уюшма тадбири* КЎЧМА КУБОК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 19 сентябр, жума № 147 (1572)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ЯЛТАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 сентябр куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Украинанинг Ялта шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун интервью берди.

- Одатда, олий даражадаги учрашувларда муайян муаммоларни ҳал қилиш борасида давлатларнинг ёндошувларини умумлаштириш кўзда тутилади, - деди, жумладан, Ислом Каримов. - МДҲ Давлат раҳбарларининг Ялта шаҳрида ўтадиган бу галги саммити ҳам бундан мустасно эмас. Унда ҳам ана шундай ечимини кутаётган масалалар юзасидан фикр алмашилади. Хусусан, бу йил МДҲ ташкил топганига ўн икки йил тўлади. Учрашувда шу ўтган давр мобайнида тузилма доирасида қилинган ишлар ва олдинда турган вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикр алмашилади.

Жорий йилда МДҲ саммити учинчи бор ўтказилмоқда. Биринчиси январ ойида Киевда, иккинчиси майда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган эди. Ҳозир МДҲга Украина раислик қилмоқда. Ялта саммитида президентлар МДҲнинг 2010 йилгача самарали иқтисодий фаолиятини таъминлаш учун кўриладиган чора-тадбирлар режасини қабул қилиши кутилмоқда. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисида ўтган йили Кишинёв саммитида қарор қилинган эди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида

Ислом оламининг беназир намояндаси, буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг дунё маданияти хазинаси ва мукаддас динимиз ривожига қўшган улкан хиссасини инобатга олиб, аллома меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, унинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айникса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш максадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини Ўзбекистон мусулмонлари идораси балансига ўтказиш ҳамда унинг ташкилий ишларини олиб бориш учун мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Бошқарув кенгаши тузиш тўғрисидаги таклифи маъқулласин.

2. Имом Бухорий халқаро жамғармаси Муассислар кенгашининг жамғармани Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳамда унинг таркиби маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий банкининг Самарқанд вилоят бўлимида очилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи Бошқарув кенгашининг ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очиқ экани қайд этилсин.

4. Бошқарув кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

– Ноёб меъморий иншоот бўлган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш;

– ушбу муқаддас қадамжонинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

– Имом Бухорийнинг меросини асраб-авайлаш, алломанинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш;

– диний-маърифий ишлар, айникса, ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Имом Бухорийнинг буюк меросидан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Ёдгорлик мажмуига тушадиган маблағларнинг 85 фоизини Бошқарув кенгаши вазифаларини амалга ошириш ва 15 фоизини Имом Бухорий республика илмий-маърифий марказининг фаолиятини юритиш учун йўналтирилиши кўзда тутилсин.

6. Маданият ишлари вазирлиги (Б.Қурбонов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Жўраев), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Ў.Ҳолмуҳамедов), Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Ш.Мирзиёев) Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш, жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришда Бошқарув кенгашига тегишли ёрдам кўрсатсин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (С.Сафоев), «Ўзбектуризм» миллий компанияси (Б.Ҳусанбоев), «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (В.Тян), Дин ишлари бўйича қўмита (Ш.Миноваров) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Ш.Мирзиёев) юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Имом Бухорий ёдгорлик мажмуига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Бошқарув кенгашига ҳар томонлама кўмаклашсин.

8. Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов), «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), «Жаҳон» ахборот агентлиги (А.Ғуломов)га республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Имом Бухорий маънавий меросининг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш, алломанинг ҳаётини ўрганиш ва унинг эзгу ўгитларини одамларга етказиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларни янада кенгроқ ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 ноябрдаги ПФ-2110 сонли фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - захирага бўшатилсин.

2. 1976-1985 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг октябр-ноябр ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ғ.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғ.Ғуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чақирилувчиларни тиббий текширишнинг холислиги мукобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 сентябр

Юртимизда шифокорлик касбини ардоқлаб келаётган фидойи соҳа ходимлари кўплаб топилади. Шулардан бири бешкентлик тажрибали ҳамшира Гулнора Қудратовадир. Кўп йиллик иш тажрибасига эга ҳамширани барча ҳамкасблари малакали тиббиёт ходими, меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қилади, эъзозлайди.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

ЯНГИ МАТБАА МАЖМУИ

Тошкент Матбаа комбинатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Японияннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ишга туширилган янги матбаа мажмуининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида нашриёт-матбаа соҳасини янада ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади.

Мазкур корхонага Япония ҳукумати ажратган беғараз молиявий ёрдам асосида ўрнатилган Германиянинг «Manugraph» русумли ускунаси соатига тўрт хил рангда 30 минг нусха газета-журнал, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари босиш имкониятига эга.

- Ўзбекистон фахрланса арзийдиган кўҳна тарих ва бой маданиятга эга,- деди Японияннинг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато ЎзА мухбирига. - Буларнинг ҳаммасини халқингизга, айникса, ёшларингиз онг-шуурига нечоғлик аниқ ва пухта етказишда матбаа муҳим ўрин тутади. Япония гранти асосида ўрнатилган ушбу ускуналар мажмуаси ана шу мақсадга хизмат қилади. Улар газета ва журналлардан ташқари, ранг-баранг китоблар, дарсликлар чоп этиш учун ҳам мўлжалланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎзА)

Ангренда «Иссиклик манбаи» корхонасига карашли ўн учта марказий иситиш шохобчаси, еттита козонхона, насос станциялари қишга шайлаб қўйилди. Шаҳарда иссиклик тармокларини мукаммал таъмирлаш, янгиларини ўтказиш ишлари давом этмокда.

ҚИШГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йил куз- қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги қошида ҳудудий комиссия ишлаб турибди.

- Тасарруфимизда 663 кўп қаватли уй бор. Ўтган қишда уларнинг кўпчилигида иссиқлик ва электр таъминотидаги узилишлар ва чакки ўтиши натижасида аҳоли анча қийналган эди. Эндиги мавсумда бундай камчиликлар бартараф қилинмоқда,- дейди уй-жой эгалари ширкатлари ишларини мувофиқлаштирувчи уюшма раисининг ўринбосари Баҳодир Абдуқодиров. - Хусусан, Оҳангарон сув омборидан олти километрдан ортиқ масофада магистрал сув тармоғи тортиб келингани боис шаҳарда ичимлик суви таъминоти анча яхшиланди.

Айни кунларда кўп қаватли уйларни ва уларнинг муҳандислик-коммуникация тизимларини таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Ўтган йили ўн бешта кўп қаватли уйнинг томи, иситиш тизими, иссиқлик ва ичимлик суви қувурлари янгиланган эди. Бу йил эса 135 кўп қаватли уй мукаммал таъмирдан чиқарилади.

(ЎзА

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ МАВСУМ АРАФАСИДА

«Ўзпахтасаноат» ҳиссадорлик уюшмасида ўтган йилги пахтани қайта ишлаш натижалари ва янги ҳосилни қабул қилиб олиш ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, тегишли вазирлик, бирлашма ва корхоналар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Уюшма таркибидаги корхоналарда хомашёни қабул қилиш ва қайта ишлаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу ишбилармон раҳбар ва мутахассис-кадрларнинг жой-жойига қўйилаётгани, тизимга замонавий технология киритилаётгани билан боғлиқ.

Ўтган йили уюшманинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ҳудудий бирлашмалари тизимидаги корхоналар тола ишлаб чиқариш бўйича яхши натижаларга эришди. Акциядорлик жамиятларида шу йилнинг биринчи ярмида акция сотиш режаси ортиғи билан бажарилди. Тушган маблағнинг эллик фоизи корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга сарфланди. Бу эса маҳсулот сифатининг яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда Жиззах, Хоразм, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги натижалар республика кўрсаткичидан анча паст бўлгани кузатилди. Мамлакатимиз бўйича 21 пахта тозалаш корхонасида тола олиш режаси уддаланмади. Жиззах ва Сирдарё бирлашмаларида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи кўтарилиб кетгани туфайли бир тонна толадан келадиган фойда ва рентабеллик даражаси уюшманинг ўртача кўрсаткичидан кам бўлди.

Тизимдаги корхоналарни реконструкция қилишнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастурига биноан 40 пахта тозалаш корхонаси қайта таъмирланди. Ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 130 дан зиёд янги машина ва ускуна ўрнатилди, бешта пахта тозалаш корхонаси шаҳардан ташқарига кўчирилди. Олот ва Гулистон пахта тозалаш корхоналари ишга тушиш арафасида.

Йиғилишда соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифаларнинг ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎзА)

Шофиркон туманидаги Боғиафзал қишлоқ фуқаролар йиғинида янги спорт зали фойдаланишга топширилди. У бокс ишқибози тадбиркор Ахмад Худойбердиевнинг маблағлари ҳисобига қурилди.

ТАДБИРКОР МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

– Спорт зали бокс машғулотлари учун мўлжалланган бўлиб, унда қишлоқ ёшлари, шунингдек, мактаб ўқувчилари ҳам бемалол шуғулланишлари мумкин, - деди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Г.Темирова «Туркистон-пресс» мухбирига. – Мазкур спорт зали болаларимизнинг спортга қизиқишларини кучайтириши шубҳасиз. Бу эса ўз навбатида уларнинг соғлом ва чиниқиб ўсишлари учун замин яратади.

Текширишда аён бўлди

ЯШИРИН ЦЕХЛАР ФАОЛИЯТИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Солиқлар давлатимиз қудратини мустаҳкамлаш ва халқимиз турмуш тарзини яхшилашнинг муҳим омили саналади. Зеро, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси, кексаларга тўланадиган нафақалар, мамлакат мудофааси, халқ таълими ва тиббиёт тизимига ажратиладиган маблағлар солиқлар орқали шакилланади.

Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ходимлари асосий эътиборни корхоналар тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, ноқонуний айланаётган пул маблағлари, нақд пул тушумлари яширилаётган ҳолатларни аниқлаш, биринчи даражали тўловларни молиялаштириш борасида бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар.

Вилоятда йиллик давлат бюджетининг даромадлар қисми режаси 101,9 фоизга бажарилди. Бироқ қўшимча қиймат ва ер солиғи режалари бажарилмади. Пенсия жамғармасига маблағ тўплаш ярим йиллик режаси ошириб уддаланган бўлса-да, бу соҳада топшириқлар Қарши шаҳри ва Муборак туманида уддаланмади. Шунингдек, вилоят бўйича корхона ва ташкилотларнинг бюджетдан боқиманда қарзлари 110 миллион сўмга камайган бўлса-да, коммунал-маиший, таъминот, маданият ва маориф тизимларида ва бошқа турли соҳаларда қарздорлик ошганлиги ташвишланарлидир.

Давлат бюджети олдида катта миқдорда қарзи бўлган корхона ва ташкилотлардан 1666 тасига Низом талабларига кўра бир ой муддатда уни тугатиш тўғрисида огоҳлантириш хатлари юборилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида», «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қарорлари бажарилиши юзасидан текширув ва мониторинглар ўтказилиб, банк муассасаларига 441 миллион сўмдан зиёд қўшимча нақд пул туширилишига эришилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 95 ҳолатда назорат-касса машинасидан фойдаланмасдан савдо қилинганлиги учун 68 та корхона ва 27 та жисмоний шахсга нисбатан молиявий жарима қўлланилди. Турли мулкчилик шаклидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида текшириш ўтказилиб, 521 ҳолатда қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Тўпланган материаллардан 42 таси вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига юборилди.

Аниқ далилларга мурожаат қилайлик. Нишон туманидаги «Ширинобод» ширкат хўжалиги хазиначиси томонидан 298 минг сўм нақд пул кассага кирим қилинмасдан ўзлаштирилган ва ҳисобга олинган 2 миллион 982 минг сўм маблағ бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган. «Одилхон бобо» хусусий савдо дўконида режали тафтиш ўтказилганида, 350 минг сўм нақд пул нотўғри ишлатиб юборилганлиги аниқланди. Қамаши туманидаги «Жаббор ота» савдо-ишлаб чиқариш фирмасига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасида 4 миллион 491 минг 860 сўмлик бензин сотилган ҳолда хариддан тушган нақд пуллар қайд этилмаган.

Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида вилоят бўйича 20 та яширин ишлаб чиқариш цехлари аниқланиб, фаолиятига чек қўйилди. Бозорлар иши ўрганилиб, йўл қўйилган камчиликлар учун 588,5 минг сўм молиявий жарима қўлланилди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, болаларни боғчага ва мактабдан ташқари муассасаларга жалб этишга қаратилган ишларнинг аҳволи муҳокама этилди.

Мазкур жойларда бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани, жумладан, Жиззах вилоятида ҳуқуқий тарбия аҳволини яхшилаш мақсадида халқ таълими бошқармаси ва вилоят прокуратурасида илғор тажрибани оммалаштирувчи «Услубий хона» фаолияти йўлга қўйилгани таъкидланди.

Сурхондарё вилояти Денов туманида «Лочин» фермер хўжалиги томонидан 200 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига қишлоқ врачлик пункти ва умумий ўрта мактаб қурилган. Айни пайтда мактабдан ташқари спорт тўгараклари учун замонавий мажмуа бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган.

Қашқадарё вилоятида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида «Она ва бола» скрининг вилоят марказига тўқсон минг долларлик замонавий ускуналар ўрнатилган.

Шу билан бирга, йиғилишда бу каби ижобий ишлар ҳамма жойда ҳам қатъият билан амалга оширилмаётгани, мавжуд барча имкониятлар ишга солинмаётгани қайд этилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон-Хитой: ҳамкорлик қирралари

ОЙИМҚИШЛОҚДА

Уч минг нафар ёшлар фойдали меҳнатга жалб қилинади

Қадимшуносларнинг уқтиришича, Ойимқишлоқнинг тарихда, хусусан Буюк ипак йўли ривожида ўз ўрни ва салоҳияти бор. Хозирги Далварзинтепа ўрнида Кушон, Бактрия давлатларига асрдош бўлган элатлар яшаган.

Хитойлик тижоратчиларга қарашли нортуялар карвони қўнғироқларини жаранглатиб Далварзинтепага қўниб ўтишган, ипак матолар, тансиқ моллар билан савдо-сотиқ қилишган. Чунки қазилма ёдгорликлари ичидан Будда ҳайкалчалари, хитойлик заргарлар ишлаган осори-атиқалар топилганлигини тарихчи олимлар ўз асарларида уқтириб ўтади. Бугун Чин мамлакатининг назари яна Ойимқишлоққа тушди. Айтмоқчимизки, Турон заминининг оҳанрабоси хитойлик ҳамкорларни яна ўзига тортди. Бу ерда калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўзбек-Хитой» қўшма корхонаси иш бошлади. Ўқимай-ишламай юрган 3000 нафар қишлоқ ёшлари ушбу ишхонадан қўним топиши кутилмоқда.

Йилига 4,5 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонанинг кошонасифат биноси Ойимқишлоққа ярашиб турибди. Бино саҳнидаги манзарадан кўз қувнайди. Яшил майса гиламлари орасидан фавворалар отилиб, атроф-муҳитга гўзаллик бахш этмоқда. Ранг-баранг гулзорлар чаманидан эсаётган ифорлар димоғингизни қитиқлайди.

Ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ошхона, тиббий хизмат шохобчаси меҳнаткашлар хизматида. Цехлар ёритқичлардан кундузгидек чароғон ва ораста.

Корхона жаҳон андозаларига мувофиқ замонавий технология ускуналари билан жиҳозланган. Хорижий инвестиция ҳисобига келтирилган дастгоҳлар Германия, Швейцария мутахассислари кўмагида тикланди. Умуман, корхонани тўқувчилар шаҳарчаси десангиз муболаға бўлмайди. Қарийб 10 гектардан зиёд майдонни эгаллаган корхона бутун бир иншоотлар тизимидан иборат. Бош қозонхона цехларга иссиқ ва совуқ сув етказиб беради. Иш жойлари мўътадил ҳаво билан таъминланади.

Янги корхонани қуришда вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари иштирок этди. Хонободдаги биринчи қурилиш-таъмирлаш жамоаси, 40-махсус кўчма жамланма қурувчилари, «Ўзэлектромонтаж» нурчилари, Андижон электр тармоқлари идорасининг қўли гул усталари, айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Мирзаҳаким Ашуров, Жаҳонгир Жиянов, Элмурод Рўзиқулов каби ғишт терувчилар, бўёқчилар, бетон қуювчилар иш жараёнида илғорликни қўлдан бермадилар.

Янги ишхонага «Ойимтекстил» деб ном берилди. Корхона барпо этилганидан ойимқишлоқликларнинг кўкси тоғдек кўтарилди. Уларнинг дил сўзлари ана шундан гувоҳлик бераяпти.

Парпивой Аҳмедов, меҳнат фахрийси:

Истиқлолимиз шарофатини ҳар қадамда кўриб турибмиз. Олис қишлоқда хориж ҳамкорлигида шундай маҳобатли корхона бунёд этилиши барчамизни қувонтирмоқда.

Раҳимжон Полвонов, мактаб ўқитувчиси:

– Биргина бизнинг мактабимизда ҳар йили 60 нафаргача ўқувчи 9-11 синфни тугаллайди. Тўғри, бир қисм ёшлар касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришади. Қолганлари ўз-ўзидан ишсизга айланади. Мана энди янги ишхона эшиклари ёшларга очиқ. Муҳими, қишлоқ ёшлари замонавий дастгоҳларни бошқаришни ўрганиб, янги касб-ҳунар эгалари бўладилар.

Собир РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири





Денов шаҳридаги «Афросиёб» хусусий корхонасида тайёрланаётган юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қилмоқда. Корхона замонавий технология асосида жиҳозланган. Айни чоғда қаймоқ, пишлоқ, колбаса, олма шарбати, газланган сув каби хилма-хил турдаги маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилаётир. 116 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада ишлаш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар

Тажриба ва ташаббус

ИЖАРА - ТАЪМИНОТНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ЙЎЛИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида мактаблар моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Республикамизда ишлаб чиқилган «Она ва бола» Давлат дастурининг 90-бандида ўқувчиларни пуллик, қайтариб бериладиган дарсликлар билан таъминлаш тизимини жорий этиш белгиланган. Шу боис, Ғузор туманида мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими асосида иш олиб борилаяпти. Тажриба синовида 76 та мактабнинг 27 минг 417 нафар ўқувчиси иштирок этаяпти. Илм масканлари 99 фоиз дарсликлар билан таъминланган. Бундан ташқари, Осиё ривожланиш ва тараққиёт Банкининг кредит маблағлари ҳисобидан 23 минг 727 тахлам китоблар ва қўлланмалар олиб берилди.

Ғузорликлар тажрибаси вилоятнинг барча шаҳар ва туманларига ёйилди. Шаҳрисабз ва Китоб туманлари умумий ўрта таълим мактабларида «Мактаб кутубхоналари китоб жамғармаларини тўлдириш ва ўқувчиларни дарслик билан таъминлашнинг баъзи шакллари» бўйича ўтказилган республика анжуманидан сўнг ишда жиддий силжишлар рўй берди. Қарши шаҳри, Чироқчи, Яккабоғ, Қарши туманларида 9-синф ўқувчиларининг дарслик таъминоти тўлиқ ижара усулига ўтказилди ва 56 минг 102 нафар ўқувчига дарсликлар етказиб берилди.

Ҳозирги пайтда 1083 та умумий ўрта таълим мактаби кутубхоналари бўлиб, уларнинг жамғармасида ўқув-услубий, оммавий-сиёсий, бадиий адабиётлар, маълумотнома ва луғатлар мавжуд.

Ҳокимлик, корхона ва ташкилотлар, ота-оналарнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли ўқувчиларни дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш анча такомиллаштирилди. Ҳомий ташкилотлар томонидан 574 миллион 801 минг сўмлик ўқув адабиётлари харид қилиниб, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига берилди. Қамаши туманидаги «Чим» ширкат хўжалиги, Муборакдаги газ конлари бошқармасига қарашли «Таъминотчи ташкилоти», «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси, Миришкордаги «Тошкент» фермерлар уюшмаси, Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги шунинг сўмлик қишки кийим-кечаклар ва ўқув қуроллари ҳам топширилди.

Китоб - офтоб, деб бежиз айтилмаган. Илм масканларида дарсликларни асраб-авайлашга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. «Йилнинг энг яхши мактаб кутубхонаси» республика кўрик-танловида Косон туманидаги 85-мактабнинг зиё маскани, «Китобсеварлар - 2003» мамлакат кўрик-танловида Яккабоғ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Вилоят таълим масканларида АҚШ давлат департаменти таълим ва маданият масалалари бўйича бўлимининг халқаро илмий тадқиқотлар ва олимлар айрибошлаш кенгаши (IREX)нинг «Ўзбекистон мактабларида интернет» дастури татбиқ этилаяпти. Дастурнинг мақсади мактаб ўқувчиларида интернетда ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш ва дарсларда уларнинг фаоллигини оширишда янги технологияни қўллашни ривожлантиришдан иборат.

ЁЛҚИН

Бор бўл, оқибат!

НОГИРОНЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ

фаолиятимиз мезонига айланган

Туманимизда рўйхатга олинган ногиронлар сони 1240 нафарни ташкил этади. Хоҳ у кекса, хоҳ у ёш бўлсин, қалби ўксик инсонларга руҳан мададкор бўлиш, моддий қўллаб-қувватлашни биринчи галдаги вазифамиз деб билмоқдамиз. Шу асосда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастурни тўла-тўкис рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилмоғи керак, деган пурмаъно нақл фаолиятимиз мезонига айланган. Шу боисдан турли ҳомийлик идоралари, туман ижтимоий таъминот бўлими, «Фахрийлар» ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятлари билан биргаликда ўтказиладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра туман миқёсида ўтказиладиган барча тадбирларга ногиронлар таклиф этилади. Масалан, Истиқлол байрами тантаналарида 120 нафардан ортиқ ногиронлар иштирок этди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирга 150 минг сўм маблағ ажратилди. Қизил Ярим Ой жамияти ҳисобидан 26 нафар тумандошимизга кийим-кечаклар туҳфа этилди. Туман ижтимоий таъминот идораси томонидан 225 минг сўмлик совға-саломлар улашилди. 20 дан зиёд ногиронларга эса қўлтиқтаёқлар олиб берилди. Шунингдек, туман ҳокимлиги, ширкат ва фермер хўжаликлари, корхона, ташкилот, муассасалар ҳам бу хайрли ишдан четда қолмади.

Бир сўз билан айтганда, ногиронлар якка-ёлғиз эмаслар. Улар доимо инсонпарвар ҳукуматимиз раҳнамолиги, меҳрибонлигини дилдан ҳис қилиб яшамоқдалар.

Гулбаҳор АШУРОВА,
Когон туман «Ногиронлар» жамиятининг раиси

БОЛАЛАР УЧУН СПОРТ МАЖМУАСИ

Қуйичирчиқ туманидаги Дўстлик ширкат хўжалигида қаровсиз ётган спорт мажмуаси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бугунги кунда туманда беш минг кишига мўлжалланган тўртта стадион, 26 спорт зали, спорт мактаби ва ўнлаб спорт тўгараклари ишлаб турибди. Мактаблардаги барча спорт заллари тўлиқ таъмирланиб, спорт жиҳозлари билан таъминланди

ОТА-ОНАЛАР ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Янгийўл туманида беш минг томошабинга мўлжалланган марказий стадион таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун эллик миллион сўм маблағ сарфланди. Энди бу ерда болалар баскетбол, футбол, волейбол, стол тенниси, югуриш, бокс каби спортнинг 15 тури бўйича мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Шу йилнинг ўзида мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш ва янги спорт майдончалари қуриш учун ҳомийлар томонидан 43 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунда корхона ва хўжаликлар, тадбиркорлар билан бирга ота-оналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ниёзбош ширкат хўжалигида ҳашар йўли билан футбол ва мини футбол майдонлари қуриб фойдаланишга топширилди. Хўжалик эса бешта мактабнинг спорт иншоотини таъмирлаб берди.

(ЎзА)

Шу йилнинг ноябр ойида Тошкентда «Ўзбекистонда сайёҳлик хизматларини такомиллаштиришнинг иқтисодий дастаклари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилади. Тадбирни Тошкент давлат иқтисодиёт университети уюштирмоқда.

САЙЁҲЛИК – АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

-Анжуманда Ўзбекистондаги халқаро ва миллий сайёҳликни ривожлантиришга масъул ҳукумат тузилмалари, ҳомий халқаро ташкилотлар, Олий Мажлис ҳузуридаги Мониторинг институти мутахассислари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади, — деди ТошДИУ халқаро сайёҳлик факултетининг декани Муҳаммадбек Эрматов «Туркистон -пресс» мухбирига.

— Бундан ташқари, анжуманга сайёҳлик фирмалари, сайёҳларга хизмат кўсатиш билан шуғулланадиган ноҳукумат ташкилотлари ҳам таклиф этилади.

Анжуманнинг ўтказилиши туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни маркетинг дастурларига киритиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқишга кўмаклашади. Бу мутахассисларни ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсишига омил бўлиши лозим. Пировард натижада сайёҳлар, валюта оқими ўсади. Меҳмонхона ва транспорт қувватларидан фойдаланиш кучаяди. Аҳолини иш билан бандлиги таъминланади.

-Бу ерда истиқболлар муҳокама қилиниш билан бирга сайёҳлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳам кўриб чиқилади, — деди ТошДИУ «Сайёҳлик сервиси» кафедраси мудираси Даря Ли. - Салбий ҳолатларни бартараф этиш иқтисодиётнинг мазкур соҳасини мустаҳкамлаб, уни етакчи тармоқлардан бирига айлантириш имконини беради.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистондаги сайёҳлик заҳираларидан фойдаланиш, соҳани ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатлари, кадрлар тайёрлаш, сайёҳликнинг ўзбек моделини ўзига хослигини аниқлаш масалаларини кўриб чиқиш таклиф этилмоқда.

Ташкилотчилар таклиф ва тавсияларни ҳамма учун, айниқса, сайёҳликда давлат сиёсатини шакллантириш билан шуғулланувчилар, сайёҳлик агентликлари ва меҳмонхоналарда ишловчилар, институт ва коллежларда ушбу йўналишда таҳсил олаётганлар, шунингдек «Буюк ипак йўли» глобал сайёҳлик лойиҳаси доирасида Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришни истовчи чет эл компаниялари учун очиқ қилиб қўяди.

БОЖХОНА ИНСТИТУТИДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Мамлакатимиз ички бозорини ҳимоялаш, иқтисодий фаолият қатнашчиларига қулайликлар яратиш, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш муҳим вазифалардандир.

Олий ҳарбий божхона институтида ходимларнинг тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувида шу ҳақда гап борди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилинган «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорида бу борада олиб борилиши зарур барча вазифалар белгилаб берилган. Ҳужжатда республикамиз ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни импорт қилишни тартибга солиш ва ички бозорни ноқонуний олиб кириладиган товарлардан ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришиш бош мақсад қилиб қўйилган. Божхона органлари олдида турган асосий вазифалардан бири товарлар контрабандасига қарши курашни янада кучайтиришдан иборат.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароит яратиш, ўрта ва кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА)

МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ

Бухоро туманида кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавони» шиори остида вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди. Унда 12-14 ёшли ўғил-қизлар гиламга чиқди.

Жалол Омонов (46 килограмм), Жамшид Авезов (55 килограмм), олотлик Акбар Ҳамдамов (60 килограмм) ва Бухоро тумани вакиллари Шаҳоб Маҳмудов (50 килограмм) ҳамда Нодир Қурбонов (65 килограмм) барча рақибларни мағлуб этиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда Бухоро тумани вакилалари Мунаввар Қудратова, Сарвиноз Ҳайитова, Нигора ва Нигина Хўжақулова сингари қизлар ўз вазнларида биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар шу йилнинг октябр ойида Тошкентда ўтадиган республика босқичига йўлланма олди.

Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси Ўрта Чирчиқ туман бўлими ходимлари томонидан жиноий ишларнинг сонини камайтириш ва бартараф этиш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида кутилган натижага эришилмоқда.

Суратда: бўлим бошлиғи (чапда) Л.Бадалов бошқарма ходимлари билан мулоқотда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

Бугун деярли ҳар бир кўчада иккита-учтадан дўкон бор. Бу жуда яхши албатта, шошиб турганимизда, меҳмон келганида югуриб бориб керакли нарсани харид қилиш учун бундай дўконлар қулай. Қолаверса, дўкон кўздек қўшнингиз ёки қариндошингиз, нари борганда маҳалладошингиз томонидан очганлиги учун ҳам ишончлидир. Алдамайди, ахир кўз-кўзга тушиб турадиларку. Ҳар ҳолда ўзбекчиликда маҳсулот сотиб олинаётганда баъзида истихола билан, баъзида андиша биланми, харидорлар маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган санаси ва айнан шу ерда сотиб олинганлигини тасдиқловчи касса чеки, тилхат, квитанция ёки бошқа ҳужжатларни сўрамайди ёки унутади.

ИШОНЧНИ ЙЎҚОТГАН СОТУВЧИЛАР

Афсуски, бундай ишончни суиистеъмол қилувчи дўкондорлар ҳам бор. Улар бундан фойдаланиб истеъмолчи ҳақига хиёнат қилишни давом эттираверади. Аммо, истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган бир қанча қонунлар мавжуд. Бундай қонунлар ўз навбатида харидорларни ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотни сотувчилар, ижрочи ва хизмат кўрсатувчилар билан муносабатларини кенг қамраб олади. Лекин бу билан вазиятни истеъмолчининг фойдасига ҳал этиш бироз қийинроқ кечади. Сабаби бундай муаммоларни олдини олиш учун аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарур.

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан мунтазам равишда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг ижроси назорат қилиб борилади. Бошқарма томонидан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Зафар Ширин савдо", "Бирадарлик дори", "Наргиза Шифо", "Ўзксерокс", ҚК, "Илтифот", "Бобуржон Ирода", "Ксюша", "Бегим савдо", "Алихон", "Муборак", "Муродим", "Матқовулбой", "Мис Бар", "Бальзам" хусусий корхоналарида қонун талабларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилди. Ўтказилган текширувлар натижасида қуйидагилар аниқланди. Хусусан, "Ксюша" хусусий корхонасининг савдо дўконида ўтказилган текширув натижасида, савдода умумий миқдори 44 минг сўмдан зиёд яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳамда яроқлилик муддати бир ой олдин ўтиб кетган болалар "Нестле" сут маҳсулотининг сотилаётганлиги аниқланди. Қонунбузарлик юзасидан хусусий корхонага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари ёки 2 миллион 267 минг 500 сўм жарима қўлланилди. Ачинарлиси шундаки, сотувчилар мўмай даромад ишлаш учун ҳатто гўдакларни-да алдашдан тойишмаган.

"Зафар Ширин савдо" хусусий фирмасининг савдо дўконида эса бошқачароқ вазият, яъни истеъмолчилар хариди учун назорат касса машинасидан фойдаланилмаётганлиги аниқланган. Ахир, касса чеки харидорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси эмасми? Юқорида қайд этилган қонунбузарлик юзасидан хусусий фирмага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима қўлланилди.

Қўштирноқ ичидаги ишбилармон ва устомон сотувчиларимиз, ҳатто беморларнинг энг оғир шароитидан ҳам "унумли" фойдаланишмоқда. "Бирадарлик дори" масъулияти чекланган жамияти дорихонасида текширув ўтказилиб, текширув давомида айрим хорижий дори воситаларининг сотишда қўлланиладиган устамалари оширилган ҳолда сотилаётганлиги, 20 фоиз чакана савдо устамаси қўллаш ўрнига 20 фоиздан юқори чакана савдо устамалари қўлланилганлиги аниқланди.

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатишда кўрсатилган хизматлари учун чипта берилиши борасида мониторинг ўтказилиб, "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмасига қарашли 3,4,5,12,18-сонли автокорхоналарга нисбатан кўрсатилган хизмат учун истеъмолчиларга чипта берилмаганлиги аниқланган.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

TV дастури

22-28 сентябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 Мусиқий танаффус.
9.25 «Бизнес-ҳафта».
9.40 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.
11.10 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.30 Теннис. Осиё чемпионати.
13.30 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
13.50 ТВ клип.
14.10 ННК тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал премьераси.
15.00 «Нурли манзиллар».
15.15 «Рим таътиллари». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Абдухолиқ Ғиждувоний». Премьера.
18.20 «Олтин мерос».
18.35 «Умр мазмуни».
18.55 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 «Келин-куёв». Телешоу.
«Спорт» дастури:
22.15 1.Теннис бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
2.Болалар спорти: «Спорт иншоотлари».
22.55 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
23.15 «Япония: турмуш тарзи». Ҳужжатли телесериал.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
17.20 Жаҳон жуғрофияси.
18.10 Йигит омон бўлса....
18.25 ТВ – анонс.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ – анонс.
19.40 Одил сўз.
20.00 Сув – ҳаёт манбаи.
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 Хориж хабарлари (рус)
18.00, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 20.40, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.15 ТТVда сериал. «Айрилиқ азоби». /якунловчи/.
20.20 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.55 «Avto-news».
21.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.30 ТТVда сериал. «Лўлининг бахти».
22.35 Кинонигоҳ. «Женжер ва Фред».
00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 7.00.
16.00-18.00 Теннис. Осиё чемпионати.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Бугунги медицина».
22.05 Кинематограф. «Катта талант». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Миздаккон», «Қоядаги расмлар».
9.20 «Рангин дунё».
9.40 «Мулкдор».
10.00, 12.00 , 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
11.20 ТВ клип.
11.30 Теннис. Осиё чемпионати.
13.30 «Муносабат».
14.10 ННК тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал премьераси.
15.00 «Яхшилик».
15.40 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
16.05 «Агар Сиз». Ток-шоу.
16.35 Киберспорт бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Саломатлик гарови».
18.25 Репортаж.
18.30 «Шарқ тароналари».
18.50 «Олтин бешик».
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ошин». Телесериал.
«Спорт» дастури:
22.35 1. Теннис бўйича Осиё чемпионатининг очилиши ва саралаш ўйинлари.
2. От спорти бўйича жаҳон кубоги.
00.05 «Ахборот-дайжест».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 "Янги авлод" студияси: Катта танаффус, Болалар учун концерт.
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 5-қисм.
10.45 Саломатлик сирлари.
11.05 ТВ - адвокат.
11.10 "Гвадалупе». Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадиий фильм 2-қисм.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
13.35 Йигит омон бўлса....
13.50 Мусиқий лаҳзалар.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Одил сўз.
16.00 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 5-қисм.
16.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.45 «Ўзбек таомлари» («Ўзбектелефильм»)
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.30 «Мульттомоша».
17.45 Таянч.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Бугуннинг ёшлари.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр"- интервью.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Илдиз ва япроқ.
20.20 Болалар спорти: аҳвол қандай?.
20.35 ТВ – адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Ёшлар давраси.
23.20 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
0.20 «Мулоқот». Телевизион бадиий фильм.
0.50 – 0.55 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 Хориж хабарлари (рус)
18.00, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Химоя».
18.30, 20.00, 21.30, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.15 ТТVда сериал. «Ой нури агентлиги».
20.20 «Туризм ҳақида».
20.50 ТТVда сериал. «Лўлининг бахти».
21.50 «Ҳамшаҳарлар».
22.30 Кинонигоҳ. «Миттивойнинг катта ҳангомалари».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 7.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 CFI тақдим этади: «Илм-фан афсонаси».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 К. Райкин «Сати» кўрсатувида.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Мозий ва келажак аро». Концерт дастури. 1-қисм.
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Х-Спорт».
22.05 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.15 Кинематограф. «Бургага аччиқ қилиб». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Соз сеҳри».
9.20 «Фарз ва қарз».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Дўст кулфатда билинар». Бадиий фильм.
11.15 «Бир кулишайлик».
11.30 Теннис. Осиё чемпионати.
13.30 «Портретга чизгилар».
13.50, 17.45 ТВ клип.
14.10 «Ошин». Телесериал.
15.10, 15.55 ТВ анонс.
15.15 «Қалб гавҳари».
15.35 «Мусиқий учрашувлар».
16.00 «Ягона оилада».
16.30 «Ғафлат». Ҳужжатли фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Қизиқарли учрашувлар».
2. «Болаликнинг мовий осмони».
18.10 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.45 «Ҳунарманд».
19.05 «Куйла, ёшлигим».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.25 «Ошин». Телесериал.
22.25 «Парламент вақти».
«Спорт» дастури:
22.45 1. Теннис бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
2. От спорти бўйича жаҳон кубоги.
23.35 ТВ клип.
23.45 «Ахборот-дайжест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар.
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 6-қисм.
10.45 «Давр» - интервью.
11.00 ТВ – анонс.
11.05 Таянч.
11.25 ТВ - адвокат.

11.30 "Гвадалупе». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Болалар спорти: аҳвол қандай?.
12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Бугуннинг ёшлари.
13.35 Ёшлар телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут. 2 Теннис.
14.35 Мусиқий лаҳзалар.
14.45 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
15.35 Автопатрул.
15.55 «Олмазор». Бадиий фильм.
17.15 ТВ - анонс.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 "Янги авлод" студияси: Оқ қабутар.
17.45 «Кузя учун уй». Мультфильм.
18.05 Ўйна, болажон, ўйна.
18.20 Меннинг маҳаллам.
18.35 ТВ – анонс.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ – анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40 ТВ - адвокат.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 "Гвадалупе». Телесериал.
21.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 «Хориж хабарлари (рус)
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.30, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.15 ТТVда сериал. «Ой нури агентлиги».
20.20 «Аёл она мураббий, рахбар». Телеклуби.
20.50 «Янги иқтисод».
21.45 ТТVда сериал. «Лўлининг бахти».
22.45 Кинонигоҳ. «Лужин химояси».
00-25.00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 7.00.
16.00-17.50 Теннис. Осиё чемпионати.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Мозий ва келажак аро». Концерт дастури. 2-қисм.
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Дадиллик учун соврин».
22.05 «Ҳинд оҳанглари».
22.35 Кинематограф. «Қалтис қадам». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Қизиқарли учрашувлар».
2. «Болаликнинг мовий осмони».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кенжатойдан кўрқ, эй ғаним». Бадиий фильм.
11.10 «Фанимиз истиқболлари».
11.30 Теннис. Осиё чемпионати.
13.25 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
14.10 «Ошин». Телесериал.
15.10 «Барҳаёт симолар».
15.40 ТВ анонс.
15.45 «Тайёрланмаган дарслар мамлакати». Мультфильм.
16.05 «Оламни асранг!»
16.25 Мусиқий танаффус.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк цирк, цирк».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Дунёқараш».
18.25 «Шарқ тароналари».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.05 «Ошин». Телесериал.
23.05 Теннис бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор»-»Пахтакор».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 "Янги авлод" студияси: Оқ қабутар.
9.40 Ўйна, болажон, ўйна.
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 7-қисм.
10.45 «Чекиш соғлиққа зарар» («Ўзбектелефильм»)
10.55 Ёшлар овози.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 "Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Хазина.
13.25 Интерфутбол.
15.05 Меннинг маҳаллам.
15.20 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 6-қисм (якунловчи)
15.45 Мусиқий лаҳзалар.
15.55 Жаҳон жуғрофияси.
16.45 ТВ - анонс.
16.50 «Фарзандим – жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар. 8-қисм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Шохсупа.
17.40 Қуёшли юрт одамлари.
18.00 ТВ - анонс.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр" – интервью.
19.50 ТВ –анонс.
19.55 Ракурс.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.25 Мезон.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 "Гвадалупе». Телесериал.
21.35 Кутқарув «050».
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 «Хориж хабарлари (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани».
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.40, 21.55 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.15 ТТVда сериал. «Ой нури агентлиги».
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.55 «Эл хизматида».
21.15 ТТVда сериал. «Лўлининг бахти».
22.15 Кинонигоҳ. «Куз афсонаси».
00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 7.00.
16.00-17.50 Теннис. Осиё чемпионати.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Уолт Дисней». Ҳужжатли фильм.
19.15 «Олам бўйлаб».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир». Сериал.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Юқори технологиялар олами».
21.55 «Кулгу плюс».
22.10 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.20 Кинематограф. «Тўхта, йўқса ойим отиб ташлайди». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00 , 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаёт ва қонун».
10.25, 16.05 ТВ анонс.
10.30 Теннис. Осиё чемпионати.
14.10 «Ошин». Телесериал.
15.10 Телемулоқот.
15.50 Мусиқий танаффус.
16.10 «Сиҳат-саломатлик».
16.30 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
3. «Ҳаводаги саёҳат». Мультфильм.
18.10 «Буни умр дерлар».
18.30 Мумтоз наволар.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.45 «Ошин». Телесериал.
«Спорт» дастури:
22.45 1. Теннис бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
2. От спорти бўйича жаҳон кубоги.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Шохсупа.
9.40 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда»Мультфильм.
10.00 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 8-қисм.
10.50 «Давр»-интервью.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 "Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Мезон.
12.25 «Фарзандим - жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар 8 қисм.
12.50 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Ракурс.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Қуёшли юрт одамлари.
15.35 Мусиқий лаҳзалар.
15.45 «Нозигойим». Бадиий фильм.
17.10 ТВ - анонс.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 "Янги авлод" студияси: Меҳмонхона.
17.40 «Лизюкова кўчасида яшовчи мушукча». Мультфильм.
17.50 Маҳалламиз болалари.
18.05 «Coscom» хабарлари.
18.10 Истиқлол умидлари.
18.25 Аскар мактублари.
18.45 Сув - ҳаёт манбаи.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ – анонс.
20.00 Ёшлар ва ҳуқуқ.
20.25 Мусиқий лаҳзалар.
20.35 ТВ – адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 Азизим.
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: 1.Футбол плюс, 2.Ринг қироллари.
0.30 Монте Карлодаги цирк фестивали.
1.20 – 1.25 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 «Хориж хабарлари (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 20.40, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.15 ТТVда сериал. «Ой нури агентлиги».
20.20 «Навбатчи қисм».
20.55 «Фаровонлик бекати».
21.15 ТТVда сериал. «Қиш сонатаси».
22.45 Кинонигоҳ. «Муҳаббат».
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 7.00.
16.00 Теннис. Осиё чемпионати.
18.00 «Мусиқий серпантин».
18.35 «Дунёга назар».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.35 «Дурдаршан».
21.00 «Спорт технологияси».
21.15 Кинематограф. «Оилавий шароитга кўра». Бадиий фильм.
23.25 «Хит парад».
23.55 «Ахборот».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
3. «Инжиқ малика». Мультфильм.
10.10 «Ҳидоят сари».
10.30 Теннис. Осиё чемпионати.
14.00 «Ошин». Телесериал.
15.00 «Изҳор». Мусиқий телемонолог.
15.15 «Яхшилар ёди».
15.35 «Маърифат». Телеальманах.
15.55, 17.40 ТВ анонс.
16.00 «Ягона оилада».
16.30 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Мультфильм.
17.00 «Адабий жараён».
17.20 «Нафосат гулшани».
17.45 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.15 «Рангин дунё».
18.35 Бир жуфт қўшиқ.
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 Эстрада тароналари.
21.50 «Оқ ва қора». Телешоу.
22.30 Телевизион миниатюралар театри.
23.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
23.20 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.40 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Худо билади». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ – анонс.
9.40 «Янги, авлод» студияси: Меҳмонхона.
10.00 «Мульттомоша».
10.15 Табобат оламида.
10.40 ТВ - анонс.
10.45 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
11.00 ТВ - адвокат.
11.05 «Гвадалупе». Телесериал.
11.45 Кутилмаган меҳмон.
12.05 Ринг қироллари.
12.55 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 ТВ – анонс.
13.15 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
14.05 Ёшлар ва ҳуқуқ.
14.30 Жаҳон мусиқа хазинасидан Ж. Россини «Севилиялик сартарош» операси 1-қисм.
15.50 Болалар экрани: «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
16.00 ТВ - анонс.
16.05 «Севилиялик сартарош» операси 2-қисм.
17.25 Қўшқулоқ.
17.40 Хуш келибсиз.
18.10 Кўрсатувлар дастури.
18.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 Саёҳатнома.
20.10, 22.35 Эълонлар.
20.15 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Маҳабхорат». Бадиий фильм 1-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Кутилмаган якун». Бадиий фильм.
1.00-1.05 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 «Мультчархпалак».
18.10, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Мисли гавҳар».
18.30 «Афиша».
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.10 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Ҳаёл».
19.20 «Жаҳон географияси».
19.50 «Озод ва обод юрт».
20.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.30 ТТVда сериал. «Қиш сонатаси».
21.45 Кинонигоҳ. «Соврин».
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Уйга қайтиш. А. Вешняков».
10.20 «Табиатшунос билан саёҳат».
11.00 Болалар соати.
12.40 «Ишбилармон кишилар».
13.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
13.30-14.30. Дўстлик видеоканали: «Ғардашлўк дунясўнда», «Бизнен мирас», «Немис шарҳи».
16.00 Теннис. Осиё чемпионати.
18.00 Кулгу қироллари. Юрий Никулин.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин».
20.00 «Время».
20.30 «Ютуқ». Телеўйин.
21.50 «Олтин граммофон».
22.50 «Ахборот».
23.25 Кинематограф. «Менинг юнонча катта тўйим». Бадиий фильм.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.20 «Умидбахш кун». Видеофильм премьераси.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Санъатга бахшида умр».
12.30 Теннис. Осиё чемпионати.
16.00 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
16.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф»-»Машъал».
«Болалар сайёраси»:
17.30 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Қалб гавҳари».
18.45 Бир жуфт қўшиқ.
18.55 «Тўртинчи ҳокимият».
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.35 «Яхшилик».
22.15 Теннис бўйича Осиё чемпионатининг финал учрашуви ва тантанали ёпилиш маросими.
«Якшанба кинозали»:
23.15 «КиноТеатр».
23.35 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Худо билади». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ – анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 "Янги авлод" студияси: Бўш ўтирма.
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Қувноқ стартлар.
10.25 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий – ватанпарварлик дастури: 1. Аскар мактублари 2. Қутқарув «050».
11.00 Чемпион сирлари.
11.20 ТВ анонс.
11.25 Оҳанрабо.
12.05 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.
13.00 «Меҳр кўзда».
13.35 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 1-қисм.
14.35 Мусиқий лаҳзалар.
14.45 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.35 Ёшлар овози.
15.55 Азизим.
16.20 «Ёшлар» телеканалида премьера «Шаҳзода ва гадо». Болалар учун фильм.
18.10 ТВ – анонс.
18.15 Кўрсатувлар дастури.
18.20 "Янги авлод" студияси: Болалар учун концерт.
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ – анонс.
19.25 Сув – ҳаёт манбаи.
19.30 Очун.
19.50, 20.55, 22.30 Эълонлар.
19.55 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 2-қисм.
21.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.10 «Заковат» саралаш ўйинлари.
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичида.
22.35 ТВ – анонс.
22.40 «Йўқотилган хазина». Бадиий фильм.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.50 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.30, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.55 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Шарифа момо».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «TV плюс».
21.05 «Озод ва обод юрт».
21.30 ТТVда сериал. «Қиш сонатаси».
22.45 Кинонигоҳ. «Буч Кессиди ва Сандекс Кид».
00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим!.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Уйғоқ кайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви.
11.40 «Ошхонада инглизча гаплашамиз».
11.50 «Т. Полонская билан бирга».
12.10 «Экран зийнати ва қиймати».
12.35 «Инглиз тили курси».
12.45 Кинематограф. «Қулоқли Финт». Бадиий фильм.
14.05-15.25 Дўстлик видеоканали: «Дидар», «Ватан сурури», «Айчурек», «Корейс тилини ўрганамиз».
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 «Бинафша».
17.20 «Хикоя».
17.40 «Кинопрофи».
18.00 «Қийшиқ кўзгу». Е. Петросян таклиф этади.
20.

Касаба уюшма тадбири

КЎЧМА КУБОК

Тошкент Ахборот технологиялари университети жамоасида

Мини футбол оммалашиб бораётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Ҳозир бу спорт тури бўйича мамлакат, қитъа, жаҳон чемпионати баҳслари, турли миқёсдаги турнирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, республикамиз меҳнат жамоалари ўртасида тез-тез ташкил этилаётган мини футбол беллашувлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кеча Аграр университети спорт залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан таъсис этилган кўчма кубок учун мини футбол баҳслари ниҳоясига етди. 2000 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу турнирнинг бошқа мусобақалардан алоҳида ажралиб турадиган фарқи шундаки, у аввал ҳар бир жамоа, корхона ва муассасада, сўнгра эса шаҳар ва вилоятлар миқёсида ўтказилади. Ғолиб жамоалар республика босқичида иштирок этадилар.

Шу йилнинг 18 мартида бошланган турнирнинг финал босқичида Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан жамоалар иштирок этди. Ўтган йилги турнир ғолиби – Тошкент шаҳар телефон тармоқлари жамоаси ярим финал баҳсида Тошкент Ахборот технологиялари университети жамоасига 4:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Финалда эса ТАТУ ҳамда «Тоштелеком» жамоалари рўбарў келди. Қизиқарли ўтган баҳсда университет жамоаси рақиблари устидан 8:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда эса Тошкент шаҳар телефон тармоқлари жамоаси «Фарғонателеком»га 5:7 ҳисобида имкониятни бой берди.

Биз мусобақаларни кузатаётган

мини футбол бўйича Эронда ўтган Осиё чемпионатида терма жамоамиз сафида кумуш медални қўлга киритган Шуҳрат Тошмедовнинг турнир хусусидаги мулоҳазалари билан қизиқдик:

– Йилдан-йилга ҳаваскор футболчиларнинг малакаси ошиб бораётганига гувоҳ бўлаяпман. Бундай дейишимга сабаб – ўтган йилги турнирларда улар бунчалик чиройли ўйин кўрсата олмагандилар. Бу йилги турнир эса жуда қизиқарли кечди. Яна бир муҳим жиҳат, меҳнат жамоаларида бундай беллашувларнинг мунтазам ўтказилиши ишчиларнинг бўш вақтларини янада мазмунлироқ ўтишига хизмат қилади.

Мусобақа иштирокчиси, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари жамоаси аъзоси Сарвар Кўчқортоев эса беллашувларга қуйидагича муносабат билдирди:

– Бўш вақтларимда мини футбол билан шуғулланаман. Бизнинг жамоамиз 2001-2002 йилларда кўчма кубокни қўлга киритган эди. Бу йилги баҳсларда чорак финалда ютқазиб қўйдик. Бироқ, бундан хафа эмасмиз. Мусобақалар мобайнида катта тажриба орттирдик.

Ғолиб жамоалар муносиб тақдирланди. Шу билан бирга алоҳида номинациялар бўйича мукофотлар Р.Раҳматалиев («Энг яхши дарвозабон», «Фарғонателеком»), Ш.Ниёзов («Энг яхши ҳимоячи», «Қорақалпоқтелеком»), Н.Умаров («Энг яхши ҳужумчи», «Қаршителеком»), С.Қосимов («Энг ёши улуғ қатнашчи», ТАТУ), Ю.Барбаршев («Энг яхши мураббий») ҳам топширилди. «Энг иродали жамоа» соврини эса «Қорақалпоқтелеком» командасига насиб этди.

А.ЮНУСОВ,
Ғ.ХИДИРОВ,
«Ишонч» мухбирлари

Эътироф

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОНАНД

Бугунги халқ таълими ривожини халқаро таълим ўлчамларисиз, фан ва техника тараккиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мактабларда масофадан туриб ўқитиш, машғулотларда компьютерлар, аудио-видео ускуналари, лингафон, дисплейлардан фойдаланиш одатий ҳол бўлиб қолди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш учун айни кунларда Япония, Корея, АҚШ, Франция мамлакатлари, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЭКОСАН каби ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Хусусан, Андижон шаҳридаги 2-ўрта мактаб жамоаси билан Япония элчихонаси маъмурияти ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланмоқда. Кунчиқар мамлакат мактабларимиздаги таълим-тарбия жараёнини замонавийлаштириш учун 80025 АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди. Натижада мактаб синф хоналари видеомагнитафон, рангли телевизор, магнитли доскалар, китоб жавонлари билан қайта жиҳозланди. Ўқувчилар чуқур билим олиш билан бирга, тикувчилик касбларини ҳам эгаллайдилар. Чунки, тикув машиналари ўрнатилган ҳунар маскани, устахона, кутубхона, спорт зали ўқувчилар хизматида. Асака шаҳридаги 1-, Олтинкўл туманидаги 22-, Балиқчи туманидаги 33-ўрта умумтаълим мактаблари Япония грантига сазовор бўлдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўлими бошқаруви ЮНЕСКО деб юритилади. Жорий йилнинг апрел ойида ушбу ташкилотнинг Қозоғистон бўлими вакиллари вилоятимизга ташриф буюрдилар. 16 нафар мутахассислар иборат меҳмонларга Юми Токуда жаноблари бошчилик қилди. Делегация Избоскан туманидаги 12-мактабда таълим-тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши билан танишди. Сафар қатнашчилари мустақиллик йилларида халқ таълими тизимида рўй берган ўзгаришларни мамнуният билан эътироф этдилар.

ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг маданий-маърифий алоқалари ҳам таҳсинга лойиқ. Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Хўжаобод туманидаги 16-ўрта мактабда 2003 йил март ойида ўтказилган семинар-тренинг барчада унутилмас таассурот қолдирди. Маорифчилар дарс сифатини юқори поғонага кўтариш, ўқувчиларнинг методик маҳорати ҳамда дарс сифатини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш бўйича АКСЕЛС халқаро ташкилотининг ёрдами самарали бўлмоқда. 2002-2003 ўқув йилида ўтказилган танлов истиқлолимизнинг яратувчанлик қудратини яна бир карра намойиш қилди. Юртбошимизнинг баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган йўл-йўриқлари янгидан-янги истеъдод булоқларини очмоқда. Танловнинг I-II босқичларида 700 нафар ўқувчи ёшлар иштирок этди. Якуний босқичдаги кўрикда 15 нафар андижонлик талаба ва ўқувчи ёшлар билимдонликларини намойиш қилдилар ва Америка Қўшма Штатларида ўқишни давом эттириш имкониятини қўлга киритдилар. Шаҳрихондаги 4-лицей интернат талабаси Сардор Рўзиев, Асака шаҳридан академик лицей ўқувчиси Дилноза Мирзакаримова, Балиқчи туманидаги 5-гимназиядан Маҳлиёхон Тўлаковалар америкалик мактабдошлари билан билим олиш бахтига мушарраф бўлдилар.

Бола тарбияси ва ахборот узатишда муаллим намунаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлигини ошириш, дарс кўргазмалилигини таъминлаш, шу асосда ўқувчилар билимини чуқурлаштириш жаҳон таълим стандарти талабалардан биридир. АКСЕЛС халқаро ташкилотининг «Ўқитувчилар дастури» танловининг мақсади ҳам шу. Жалақудуқ туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси Кимёхон Юсупова чуқур билими ва дарс ўтишдаги моҳирлиги билан республика босқичи ғолиби, деб топилди ҳамда АҚШда малака оширишга жўнатилди.

Кўряпсизки, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон имкониятлар мамлакатига айланди. Зиёлиларимиз бугун давлатимиз ғамхўрлиги туфайли хорижга сафар қилаётирлар. Ўз навбатида чет эллик ҳамкасабалар диёримизга қадам ранжида қилиб, кимнинг аслида кимлигига гувоҳ бўлмоқдалар. Шу йил 28 май куни Франция элчихонаси маданият маркази вакили Жаклин Плисси хоним булоқбошиликларнинг азиз меҳмони бўлди. Ҳудуддаги «Шифокор», Ғафур Ғулом номли, «Энергетик» болалар оромгоҳларида бўлиб, ўқувчиларнинг тарбияси ва дам олиши билан қизиқди.

Оромгоҳдаги ўқувчи ёшларнинг ижтимоий ҳимояси, айниқса, меҳмонга манзур бўлди. Тансиқ таомлар, ораста ётоқхоналар, шодон қийқириқлардан файзиёб спорт майдонлари, касб-ҳунарга йўналтирилган фан тўгараклари, бой кутубхоналар, озода ошхоналар, дилкаш мураббийлар хонимга ёқиб тушди. Элчихона билан оромгоҳлар ўртасида ўзбекистонлик болаларга фаранг тилини ўргатиш бўйича 4 нафар тилшунос юборилиши тўғрисида шартнома имзоланди.

Ҳа, истиқлол халқимизга бахт-саодат олиб келаяпти.

Анваржон МАМАЖОНОВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

БИР КУНЛИК АКЦИЯ

Қалқонсимон без фаолияти бузилиши натижасида болаларда буқоқ ва бошқа касалликлар келиб чиқаётгани кузатилмоқда. Бунга йод элементининг етишмаслиги асосий сабаб бўлмоқда.

Бу хасталикларнинг олдини олиш мақсадида «Ош тузидаги йод таркибини аниқлаш» мавзусидаги бир кунлик акциясини ўтказишга қарор қилинди. Шу йилнинг 25 сентябр кунига мўлжалланган бу тадбир мамлакатимизнинг барча умумий таълим мактабларида амалга оширилади.

Акцияни ўтказиш бўйича бир кунлик семинар-тренинг машғулотлари жадвали ҳам тасдиқланди. Шу асосда «Ош тузидаги йод таркибини аниқлаш» деган мавзуда жойларда семинарлар ташкил этилмоқда. Уларда тиббиёт ходимлари, ота-оналар фаол қатнашиб, ўтказилаётган тадбирнинг саломатлик учун фойдаси ҳақида тушунчалар беришмоқда.

А.АЛИЕВ

МАКТАБЛАРДА САЛОМАТЛИК ДАРСЛАРИ

Республикамиз умумтаълим мактаблари ўқув режасига саломатлик дарслари ҳам киритилди. Шу муносабат билан «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» деб номланган ўқув қўлланмаси яратилди.

Саломатлик дарслари машғулотларини олиб боришда ўқитувчиларга яхши совға бўлган ушбу ўқув адабиёти республика таълим маркази билан ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида юзага келди.

Янги қўлланмадан унумли фойдаланиш, уни ўқувчилар орасида кенг оммалаштириш мақсадида семинар-тренинг ўтказилди. Республика таълим марказида уюштирилган бу анжуманда ўқув қўлланманинг тиббий ва таълимий аҳамияти атрофлича таҳлил қилинди.

З.ТИЛЛАБОЕВА

ИНШООТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Қорақалпоғистонда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мавжуд умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 423 минг 500 нафар ўғил-қизнинг жисмонан чиниқиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарлича имконият яратилмоқда.

Бугунги кунда республикадаги 440 спорт зали, уч минг спорт майдончасида болалар спортнинг 23 тури бўйича шуғулланиш имкониятига эга.

- Республикамиздаги 314 маҳалланинг ҳар бирини спорт майдончаси билан таъминлаш кўзда тутилган, - дейди Қорақалпоғистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Еркин Қутибоев. - Жорий йилнинг ўзида спортнинг ўн саккиз тури бўйича 154 секция иш бошлади. Уларга тўрт минг 911 нафар бола жалб этилди.

Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйи куни иш бошлаган спорт саройини Президентимиз Ислом Каримов ҳам бориб кўрган ва у ерда яратилган шарт-шароитларни маъқуллаган эди. Шу куни мамлакатимиз рахбари шаҳарда замонавий сузиш ҳавзаси ҳам қуриш лозимлиги ҳақида таклиф киритган эди. Ҳозирда бу иншоот учун қулай ер танланиб, дастлабки қурилиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Тахиатош шаҳрида ҳам беш юз ўринли янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда болалар баскетбол, футбол, волейбол, стол тенниси, югуриш, бокс билан шуғулланмоқда.

Элликқалъа туманида ҳашар йўли билан учта ана шундай мажмуа бунёд этилди. Беруний туманида замонавий теннис корти фойдаланишга топширилди. Кегейли ва Амударё туманларида болалар спорт мажмуаларини қуриш учун тендер танлови ўтказилди.

(ЎзА)

Бир ғазал шарҳи

«ЖАМОЛИ ГЎЛ, СОЧИ СУНБУЛ...»

Манам Мажнуни ишқ, дўстларки, бир Лайлони изларман,
Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шаҳлони изларман,
Ажаб бир тийрадилдурман, қамарсиймони изларман,
Мани ишқида зор этган қади зебони изларман,
Ўшандоқ офати жон шўхи бепарвони изларман.

Асири гул юзидурман - жаҳон гулзорини найлай,
Анга кўнгулни олдирдим - бўлак дилдорини найлай,
Деюрга сирри маҳрам йўқ - бу ғам рафторини найлай,
Маломат қилса-қилсин эл - алар гуфторини найлай,
Кечибман ору номусдин, ўшал барнони изларман.

Ёронлар, бир париваш ишқининг девонаси бўлдум,
Бериб барбод ақлимни, хирад бегонаси бўлдум,
Кўриб ҳусни чироғини, ёниб, парвонаси бўлдум,
Нетай, Мискин каби халқи жаҳон афсонаси бўлдум,
Жунуним айб қилманглар, маҳи Анқони изларман.

1880 йили Тошкентнинг Девонбеги маҳалласида туғилиб, Кўқалдош мадрасасида таҳсил кўрган, мумтоз адабиёт анъаналари руҳида тарбия топган Мискин асосан аруз вазнида ижод қилиб, кўплаб ажойиб ғазаллар, мухаммаслар, мураббаълар яратди. Шоирнинг бир қатор шеърлари ўтган аср бошларидан буён ҳофизлар тилидан тушмай келади. Уларнинг кўпи ҳозирги кунда ҳам хонандаларимиз томонидан севиб ижро этилмоқда. Мазкур мухаммас ҳам шулар жумласидандир.

Мухаммас анъанавий ташбеҳ ва тимсоллардан фойдаланиб, мумтоз шеърият услубида ёзилган. Чунончи, Лайли ва Мажнун - машҳур ошиқ ва маъшуқлар тимсоли. Мумтоз адабиётда ошиқни Мажнунга, маъшуқасини Лайлига ўхшатилиши, баъзида ўзларини ишқу ошиқликда улардан-да устун қўйилиши бир анъана тусини олган. Ҳар бир замоннинг ўз Лайли Мажнуни бўлади, бу замоннинг Лайлию Мажнуни бизмиз, бизнинг муҳаббат дўстонимиз олдида Лайлию Мажнун қиссаси ҳеч нарса бўлиб қолади, қабилидаги фикрларни мумтоз шоирларимиз ижодида кўп учратамиз. Жумладан, Саккокий ёзади:

Биздин эшитсун эмди жаҳон янги қиссалар,
Чун кўҳна бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти.

Мискиннинг лирик қаҳрамони ҳам: «Эй дўстлар, мен ҳам ишқ ичра Мажнунман - бир Лайлони изларман». Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шаҳлони изларман», деб бошлайди сўзини. Бу мисрада фақат сунбул сўзига бир оз изоҳ берса кифоя, қолган барча сўзлар тушунарли. Сунбул ингичка баргли, гуллари халқа-халқа, қўнғироқсимон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуқанинг сочи халқа-халқа ва муаттар ҳид таратиши билан сунбулга нисбат берилади.

Ажаб бир тийрадилдурман, қамарсиймони изларман.

Бу ерда тийрадил - ғамда қолган, қоп-қоронғи - чироқ ёқса, ёримайдиган кўнгил маъносида. Қамар - ой. Қамарсиймо - ой юзли, моҳлиқо. Ой зулмат тунни нурга чулғатгани каби бу зимзиё кўнгил уйини ёритиш учун ҳам бир ой юзли гўзал керак бўлади.

Мани ишқида зор этган қади зебони изларман,
Ўшандоқ офати жон шўхи бепарвони изларман.

Маъшуқани жон офати деб киноя қилиш ҳам анъанавий ташбеҳлардан. Чунки у қоҳ нозу карашма, гоҳ қаҳру ғазаб қилиб, гоҳ куттириб, гоҳ аҳдида турмайди. Маъшуқа эса айнан ана шу ёт кўзлардан, паст-баланд сўзлардан қўрқади ва ишқ ўтида ошиқдан кам ўртанмаса-да, ҳисларини жиловлаш, туйғуларини сир тутишга мажбур. Буни тушунмаган, тўғриғоғи, тушунишни истамаган ошиқ уни бағритошликда, бепарволикда айблайди. Шоирнинг: «Ўшандоқ офати жон шўхи бепарвони изларман», - дейишининг маъноси аслида - шу.

Асири гул юзидурман - жаҳон гулзорини найлай,
Анга кўнгулни олдирдим - бўлак дилдорини найлай,
Деюрга сирри маҳрам йўқ - бу ғам рафторини найлай,
Маломат қилса-қилсин эл - алар гуфторини найлай,
Кечибман ору номусдин, ўшал барнони изларман.

«Мен жаҳон гулзорини нима қиламан - севгилимнинг гулдай юзи ундан минг марта ортиқ. Энди бошқа бир дилдорга кўнгил беролмайман - кўнглимни ўшал малак олди-кетди. Кўнглимни ёрай десам, дардимни тинглаб, менга таскин берадиган бир сирдош, улфат йўқ, бас, бу қайнаб-тошаётган ғам мавжига қандай бас келай? Менинг бу аҳволимни кўриб, одамлар маломат қилса-қилсин - уларнинг гап-сўзларига парво қилмайман. Чунки ишқ йўлида ору номусдан ҳам кечиб, ўшал барнони изларман».

Мумтоз адабиётда ишқни майга нисбат бериш анъанага айланган. Май ичувчини маст қилганидек, ишқ ҳам ошиқни сархуш айлайди. Майни қанча кўп ичган сари ўз хатти-ҳаракатингни шунча назорат қилолмаганингдек, муҳаббат ҳам қанча кучли бўлса, ошиқ шунча ўзининг нима қилаётганини билмай қолади: бутун фикри-зикри севгилисига қаратилиб, унинг ишқида ўзини ҳам, атрофидаги одамларни ҳам, ҳатто дунёни ҳам унутади. Бу ҳол мумтоз адабиётда ошиқнинг беҳудлиги, ишқ шаробидан масту мустағраклиги, муҳаббат йўлида ору номусдан кечганлиги, Мажнундай телбалиги сифатида талқин қилинади. Чинакам ишқ мақоми - шу: ҳақиқий ошиқ шундай бўлиши керак!

Ёронлар, бир париваш ишқининг девонаси бўлдум,
Бериб барбод ақлимни, хирад бегонаси бўлдум,
Кўриб ҳусни чироғини, ёниб, парвонаси бўлдум,
Нетай, Мискин каби халқи жаҳон афсонаси бўлдум,
Жунуним айб қилманглар, маҳи Анқони изларман.

Эътибор қилган бўлсангиз, мухаммаснинг бандлари ягона занжир ҳалқалари каби бир-бирига уланган, биринчи банддаги фикр иккинчисида, иккинчисидаги учинчисида давом эттирилади, ривожлантирилади ва кучайтирилади. Мухаммас анъанавий ишқу ошиқлик мавзусида: ошиқнинг ишқда Мажнун даражасига етгани ва ўзига мос Лайлони излаётгани, маъшуқаси жамолда ҳам, камолда ҳам тенгсизлиги, унинг ишқида ақлу ҳушидан жудо бўлиб, ўзини унутгани, элнинг маломатига бепарволиги, чунки унинг бу дунёдан мақсади ўша ўзи севган малакка етиш эканлиги, бу йўлда ҳамма нарсадан воз кечганлиги, ҳамма нарсага бепарволиги ҳақида сўз боради.

Чироқ ва парвона - тасаввуфий тимсоллардан. Маъшуқа чироққа (шамъга, нурга) қиёс қилинади. Парвона - кечаси чироқ атрофида айланиб, охири ўзини унга уриб, ўтда куйиб, кул бўладиган мавжудот. Суфиёна фалсафага кўра илоҳий ишқ йўлига кирган ошиқ бу ишқ йўлида ўзини фидо қилиши керак - фақат шундагина висолга муяссар бўлиши мумкин.

Нетай, Мискин каби халқи жаҳон афсонаси бўлдум.

Мискин сўзининг луғавий маъноси фақир, бечора, ожиз, нотавон, қашшоқ. Маълумки, бундай кишиларни одамлар бармоқ билан кўрсатадилар, ҳамиша гап-сўз қиладилар, шу тариқа, салбий маънода бўлса-да, улар халқ тилида афсонага айланиб кетадилар. Мискин таҳаллусининг ана шу маъносидан бадиий мақсадда фойдаланиб, мискин кимса ўзининг моддий жиҳатдан ночорлиги туфайли ҳамманинг оғзига тушгани каби мен ҳам ишқ йўлида бечоралигим сабабидан жаҳонга афсона бўлдим. Менинг бу телбалигимни айб қилманглар, чунки мен Анқо гўзалини, яъни топилмас, хаёлий бир маҳбубани - идеал гўзаллик тимсолини излайман.

Аслида Қоф тоғи ҳам, Анқо қуши ҳам йўқ нарса: аждодларимизнинг хаёлоти - тахайюли маҳсули. Қоф - бутун дунёни ўраб олган баланд тоғ тарзида тасаввур қилинади. Қофдан-Қофгача деган иборанинг дунёнинг у чеккасидан - бу чеккасигача деб талқин қилиниши ҳам шундан. Анқо эса ана шу афсонавий тоғда яшайдиган афсонавий қуш.

Аслида мухаммас шоирнинг хаёлоти маҳсули бўлган бир идеал гўзал таъриф-тавсифига, уни излаган кўнгил машаққатлари ва изтиробларига бағишланган.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Андижон вилоят тарихчилар жамиятининг раиси, профессор Сайфиддинҳожи Жалиловнинг хонадонида Ўзбекистон ва японияслик тарихчилар учрашишди.

ТАРИХЧИЛАР АНДИЖОНДА УЧРАШДИ

Бу ерга кунчиқар мамлакатдан профессорлар Минори Савада, Хиссао Комацу ва Токио университетини битириб, Тошкент Шарқшуносликинститутида малака ошираётган, шунингдек, Ўзбекистон тарихидан илмий-тадқиқот олиб бораётган Яйои Кавахаралар ташриф буюришди.

С.Жалилов японияслик ҳамкасбларига Бобур ҳамда унинг пири, маълум бир даврда Андижонда умргузаронлик қилган буюк уламо Махдуми Аъзам тўғрисида гапириб берди. Андижон шаҳридаги Махдуми Аъзам номидаги маҳалла аҳолиси билан учрашув ташкил этилди.

Бугунги кунда маърузалар ўқиш учун Ўш университетига таклиф этилган Бутунҳиндистон илмий тадқиқотлар маркази профессори, доктор Жотон Бакши ҳам С.Жалиловнинг уйида меҳмон бўлди. Ҳиндистонлик олим айни чоғда Фарғона водийси халқлари тарихини ўрганмоқда. Мулоқот чоғида ҳамкасблар ўзбек ва ҳинд тарихчи олимларининг келгусидаги илмий алоқалари хусусида маслаҳатлашиб олишди.

"Туркистон-пресс"

Бу ажиб дунё

СУВАРАКЛАР ДАРОМАД КЕЛТИРИШДИ

Уралнинг Нижний Тагил шаҳрида мунтазам равишда суваракларнинг югуриш мусобақалари ўтказилади. Тадбирнинг ташкилотчилари бўлган талабаларда бу ғоя ўтган йили Сочи шаҳрида дам олган пайтларида туғилган эди.

Ёш йигитлар ўзларининг бу ғояларини амалга ошириш учун икки дона қора Мадагаскар суварагини сотиб олдилар ва улар учун югуриш йўлаклари бўлган махсус яшик ясадилар. Талабаларнинг айтишларича, суваракларнинг мусобақаси шаҳар аҳолиси ўртасида кенг оммалашиб кетди.

Эндиликда талабалар ва уларнинг жониворларини фақатгина Нижний Тагилда эмас, балки Уралнинг бошқа шаҳарларидаги кўнгилочар масканларга ҳам мунтазам равишда таклиф қилишмоқда. Томошабинлар фақатгина ўтказиладиган мусобақаларни томоша қилмасдан, балки томоша ҳақларини ҳам тўлашади.

Талабаларнинг гапларига қараганда, суваракларнинг кўрсатган томошаларидан тушган маблағ уч-беш минг рублни ташкил этади.

Муҳсинжон АҲМЕДОВ тайёрлади

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Республика касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашининг раиси Баҳодир Тожиевга турмуш ўртоғи

Гулчехра ТОЖИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши кенгаш раиси Баҳодир Тожиевга турмуш ўртоғи

Гулчехра ТОЖИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва касаба уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Ҳусановга волидаи муҳтарамаси

ҲИКОЯТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 23456